

# Қуръони Каримни давомли ўрганиб боришнинг фазилати | Қуръони Карим дарслари (182-дарс)



19:00 / 22.12.2025 967

لَتَمَّ لَاقِمْ لَسَوْهَيْ لَعْلَلِ لَصِيْبِن لِن لِنَعُ ه ل ل ل ي ض ر ي س و م ي ب ا ن ع  
ن م و م ل ا ل ت م و ب ي ط ا ه م ع ط و ب ي ط ا ه ح ي ر ة ج ر ت ا ل ت م ن ا ر ق ل ا ا ر ق ي ي د ل ا ن م و م ل ا  
ي د ل ا ق ف ا ن م ل ا ل ت م و و ل ح ا ه م ع ط و ا ه ل ح ي ر ا ل ة ر م ت ل ا ل ت م ن ا ر ق ل ا ا ر ق ي ا ل ي د ل ا  
ا ر ق ي ا ل ي د ل ا ق ف ا ن م ل ا ل ت م و ر م ا ه م ع ط و ب ي ط ا ه ح ي ر ة ن ا ح ي ر ل ا ل ت م ن ا ر ق ل ا ا ر ق ي  
ة س م خ ل ا ه ا و ر ر م ا ه م ع ط و ا ه ل ح ي ر ا ل ة ل ط ن ح ل ا ل ت م ن ا ر ق ل ا

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Қуръон қироат қиладиган мўмин худди утружжага ўхшайдир. Унинг ҳиди хушбўй, таъми ширин.**

**Қуръон ўқимайдиган мўмин хурмога ўхшайдир. Ҳиди йўқ, таъми ширин.**

**Қуръон ўқийдиган мунофиқ райҳонга ўхшайдир. Ҳиди хушбўй, таъми аччиқ.**

**Қуръон ўқимайдиган мунофиқ ҳанзалага - аччиқўтга ўхшайдир. Ҳиди йўқ, таъми аччиқ», дедилар».**

*Бешовлари ривоят қилганлар.*

Утружжа (грейпфрут) ўзи чиройли, таъми ширин ва ҳиди хушбўй мевадир.

Бу ерда ҳам Қуръони Карим қироатига қаттиқ тарғибот кетмоқда. Ҳар бир мўмин банда Аллоҳ таолонинг каломини иложи борича кўпроқ қироат қилишга одатланиши зарур.

هَلْ يَلْعَلْ لَوْلَا يُرْسِرُ الْعَالَمِينَ لَوْلَا أَنْ يَنْزِلَ الْوَيْلُ عَلَى الْعَالَمِينَ لَعَسَا يُهْتَفَبُ بِهِمْ إِذَا تُرِيعُوا فِي الْيَوْمِ الْآخِرِ لَوْلَا أَنْ يُنذِرَ الَّذِينَ يُكْفَرُونَ لَعَسَا يُكْفَرُونَ أَكْثَرَ وَلَوْلَا أَنْ يُنذِرَ الَّذِينَ يُكْفَرُونَ لَعَسَا يُكْفَرُونَ أَكْثَرَ وَلَوْلَا أَنْ يُنذِرَ الَّذِينَ يُكْفَرُونَ لَعَسَا يُكْفَرُونَ أَكْثَرَ

*Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқдилар. Биз суффада ўтирган эдик. Бас, у зот:**

**«Қай бирингиз ҳар куни Бутҳон ёки Ақийққа бориб, Аллоҳга гуноҳ қилмай, қариндошлик алоқасини узмай, иккита катта ўркакчи туя олиб келишни хоҳлайди?» дедилар.**

**«Эй Аллоҳнинг Расули! Буни ҳар биримиз хоҳлаймиз», дедик.**

**«Албатта, бирингизнинг ҳар куни масжидга келиб, Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидан икки оят ўрганмоғи иккита туядан яхшироқдир. Учтаси учтадан яхшироқдир. Тўрттаси тўрттадан яхшироқдир. Қанча оят бўлса, шунча туя», дедилар».**

Ушбу ҳадиси шариф ворид бўлган вақт ва шароитда катта ўрқачли туя бугунги куннинг энг олий русумли машинасидан ҳам қимматлироқ бўлган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръони Каримнинг битта оятини ўрганишни ҳалол йўл билан битта катта туя топишга тенглаштирмоқдалар. Бу жуда ҳам катта гап. Ўзимиз ўйлаб кўрайлик, бир катта туяни хайр-эҳсон қилган одам қанча савоб олса, Қуръони Каримнинг бир дона оятини ўрганган одам ҳам шунча савоб олар экан.

Шундай бўлганидан кейин ҳар бир мўмин-мусулмон Қуръони Каримнинг оятларини иложи борича бир оятдан бўлса ҳам, кўпроқ ўрганишга ҳаракат қилмоғи керак.

### **«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 30-жуз**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.